

1828/5268 – وَعَنْهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُحِبُّ الْعَسَلَ وَالْحَلْوَاء، كَانَ إِذَا انْصَرَفَ مِنَ الْعَصْرِ دَخَلَ عَلَى نِسَائِهِ، فَيَدْنُو مِنْ إِحْدَاهُنَّ، فَدَخَلَ عَلَى حَفْصَةَ بِنْتِ عُمَرَ، فَاحْتَبَسَ أَكْثَرَ مَا كَانَ يَهْتَبِسُ، فَغَرْتُ، فَسَأَلَتْ عَنْ ذَلِكَ، فَقَيْلَ لِي: أَهَدَتْ لَهَا امْرَأَةٌ مِنْ قَوْمِهَا عُكَّةً مِنْ عَسَلٍ، فَسَقَتِ النَّبِيُّ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْهُ شَرْبَةً، فَقُلْتُ: أَمَا وَاللَّهِ لَنْخَتَالَنَّ لَهُ، فَقُلْتُ لِسَوْدَةَ بِنْتِ زَمْعَةَ: إِنَّهُ سَيَدْنُونَا مِنْكِ، فَإِذَا دَنَا مِنْكِ فَقُولِي: أَكْلَتْ مَعَافِيرَ؟ فَإِنَّهُ سَيَقُولُ لَكِ لَا، فَقُولِي لَهُ: مَا هَذِهِ الرِّيحُ الَّتِي أَجْدُ مِنْكِ؟ فَإِنَّهُ سَيَقُولُ لَكِ: سَقَتِنِي حَفْصَةُ شَرْبَةً عَسَلٍ، فَقُولِي لَهُ: جَرَسْتُ نَخْلُهُ الْعُرْفُطَ، وَسَاقُولُ ذَلِكَ، وَقُولِي أَنْتِ يَا صَفِيَّةُ ذَاكَ. قَالَتْ: تَقُولُ سَوْدَةُ: فَوَاللَّهِ مَا هُوَ إِلَّا أَنْ قَامَ عَلَى الْبَابِ، فَأَرْدَتْ أَنْ أُبَادِيهِ بِمَا أَمْرَتِنِي بِهِ فَرَقًا مِنْكِ، فَلَمَّا دَنَا مِنْهَا قَالَتْ لَهُ سَوْدَةُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَكْلَتْ مَعَافِيرَ؟ قَالَ: «لَا». قَالَتْ: فَمَا هَذِهِ الرِّيحُ الَّتِي أَجْدُ مِنْكِ. قَالَ: «سَقَتِنِي حَفْصَةُ شَرْبَةً عَسَلٍ». فَقَالَتْ: جَرَسْتُ نَخْلُهُ الْعُرْفُطَ، فَلَمَّا دَارَ إِلَيَّ قُلْتُ لَهُ نَحْوَ ذَلِكَ، فَلَمَّا دَارَ إِلَيَّ صَفِيَّةَ قَالَتْ لَهُ مِثْلَ ذَلِكَ، فَلَمَّا دَارَ إِلَيَّ حَفْصَةَ قَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَلَا أَسْقِيكَ مِنْهُ؟ قَالَ: «لَا حَاجَةَ لِي فِيهِ». قَالَتْ: تَقُولُ سَوْدَةُ: وَاللَّهِ لَقَدْ حَرَمَنَا، قُلْتُ لَهَا: اسْكُنْتِي.

1828.5268. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асални, шириналикни яхши кўрар эдилар. Асрдан қайтишда аёлларининг ҳузурига кириб, улардан бирига яқинлашар эдилар. (Бир куни) Ҳафсанинг ҳузурига кириб, ҳар доимгидан кўра кўпроқ ушланиб қолдилар. Раşким келиб, бу ҳақда сўраб-суриштирган эдим, менга: «Қавмидан бир аёл унга (Ҳафсага) бир укка* асал ҳадя қилган, у Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ўшандан бир ҳўплам ичирибди», дейишли. Шунда: «Аллоҳга қасамки, у зот учун бир ҳийла қилажакмиз», дедим. Кейин Савда бинт Замъага: «У зот сенга яқинлашадилар. Сенга яқинлашганларида: «Мағофир* едингизми?» дегин. Аниқки, у зот сенга:

«Йўқ», дейдилар. Сен у зотга: «Сиздан келаётган манави ҳид нима?» дегин. У зот сенга: «Ҳафса менга бир ҳўплам асал ичирганди», дейишлари тайин. Шунда сен у зотга: «Асалариси урфут* еган экан-да», дегин. Мен ҳам шундай дейман. Сен ҳам шундай дегин, эй Сафийя», дедим.

Савда: «Аллоҳга қасамки, сендан қўрқиб, буюрган нарсангни у зот эшик олдига келишлари биланоқ айтиб юборишимга сал қолган», дер эди.

У зот яқинлашганларида Савда у зотга: «Эй Аллоҳнинг Расули, мағофири едингизми? деди. У зот: «Йўқ», дейдилар. У: «Сиздан келаётган манави ҳид нима?» деди. У зот: «Ҳафса менга бир ҳўплам асал ичирганди», дедилар. У: «Асалариси урфут еган экан-да», деди.

Кейин айланиб, менинг олдимга кирганларида мен ҳам шунга ўхшаш гап айтдим. Сўнг айланиб, Сафийянинг олдига кирганларида у ҳам шундай деди. Сўнгра ўтиб, Ҳафсанинг олдига кирган чоғлари у: «Сизга ундан (асалдан) берайми?» деган эди, у зот: «Унга эҳтиёжим йўқ», дедилар.

Савда: «Аллоҳга қасамки, у зотни маҳрум қилиб қўйдик-да», деяётган эди, унга: «Жим бўл!» дедим».

Манба: hadis.islom.uz

